

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
ДЕН САҰЛЫҚТЫ САҚЛАҰ МИНИСТРИ**

Т.Сарбаевқа  
А.Якубовқа

Мағлыұмат хэм орынлаұ ушын қабыл  
қылынсин

Орынлаұ муддети

10.01.2023 жыл



Қ.Ж.КАМАЛОВ

№12/

«04» Январь 2023-жыл



**UZBEKISTON RESPUBLIKASI SO'G'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

1000111, Toshkent sh. Navoiy ko'chasi, 4. Tel.: (998 71) 261-09-95, 241-68-95.  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@ohealth.uz

2022 йили "28" декабрь  
10-41411 - сон

**Коракалпоғистон Республикаси**  
**Соғлиқни сақлаш вазири**  
**Вилоятлар соғлиқни сақлаш**  
**бошқармалари ва Тошкент шаҳар**  
**соғлиқни сақлаш бош**  
**бошқармаси**

**"ТТ-Мед" МЧЖ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги "Давлат ижтимоий сўғурта тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 515-сон қарори доирасида бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда меҳнат шартномаси бўйича охири олти ой давомида ўзгүрксиз иш стажига эга бўлган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси "проактив" шаклда тайинлаш ва тулаш ишлари амалга оширилаётганлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2022 йил 26 октябрдаги 05/32/10736-сон хатини инобатга олиб,

1. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси "ТТ-мед" МЧЖ раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги "Давлат ижтимоий сўғурта тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 515-сон қарор ижросини сифатли амалга ошириш юзасидан "Ижтимоий Ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида алоҳида яратилган модуль ("Тиббиёт" ахборот тизими) орқали тиббиёт муассасаларида расмийлаштирилган касаллик варақалари ҳамда "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали бандлик ва иш стажига бўйича ахборот алмашинуви ишлари йўлга қўйилди;

"Тиббиёт" ахборот тизимидаги хато ва камчиликларни тезкорлик билан баргараф этиш ва ахборот тизимига киритилиши талаб этилаётган кўшимчаларни (янги функцияларни ва чекловларни) қисқа муддатларда амалга ошириш;

барча тиббиёт муассасаларини ўз вақтида меҳнатга лаёқатсизлик варақалари билан таъминлаш;

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ҳамда ахборот тизимида тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритилиши бўйича тиббиёт муассасаларининг меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини расмийлаштиришга масъул шахслари масъулиятини ошириш, жумладан муассаса раҳбари, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини ёзишга ваколатли барча шифокорлар ҳамда IT-ҳамширалар мазкур йўналишда алоҳида жавобгар эканликлари баён этилган ички буйруқ қабул қилиш;

тиббиёт муассасаларини зарур компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, интернет тармоғига улаб бериш;

ушбу жараёнларда юзага келадиган муаммо ва камчиликларни зудлик билан, зарур ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли мутахассислари ҳамкорлигида, ҳал қилиш;

ҳар бир ҳомиладорлик бўйича касаллик варақаси расмийлаштирилган аёлларнинг меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг серияси, рақами, санаси ҳамда нафақа олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, телефон рақами ва меҳнатга лаёқатсизлик даври тўғрисидаги маълумотлари "Ижтимоий Ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида ("Ягона реестри" АТ) тўлиқ ҳажмда киритиш;

меҳнатга лаёқатсизлик даври қонунчилик билан белгиланган муддатлари аниқ кўрсатиш;


ҳудудий тиббиёт муассасаларининг масъул ходимлари томонидан расмийлаштирилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини "Тиббиёт" ахборот тизимида ўз вақтида киритиш;

киритилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасидаги маълумотларни онлайн режимида "Ягона реестр" ахборот тизимга юборишга масъул мутахассислар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, масъулиятини ошириш ва уларнинг самарали иш фаолиятини ташқил қилишни самарали амалга ошириш бўйича масъул ходимларни белгилаш ҳамда жараёни назоратта олиш шахсан биринчи раҳбар масъул эканлиги инобатга олинсин;

Белгиланган масъул ходимларнинг рўйхати (Ф.И.Ш. (тўлиқ), лавозими, телефон (иш ва мобил) рақами) 2023 йил 15 январь кунига қадар Даволаш профилактика ёрдамчиси ташкиллаштириш бош бошқармаси ҳамда "ТТ-мед" МЧЖга тақдим этилсин.

2. Даволаш-профилактика ёрдамчиси ташкиллаштириш бош бошқармаси (У.Рисқиев), "ТТ-мед" МЧЖ (А.Ҳакимов)лар:

T. Capriwood  
11.8.2023



Барча тиббиёт муассасаларини ўз вақтида меҳнатга лаёқатсизлик  
варақалари билан таъминлаш;

тиббиёт муассасаларини интернет тармоғига улаб бериш;  
тиббиёт муассасаларидаги меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини  
расмийлаштиришга масъул мутахассисларни ҳамда IT-хамшираларни билим  
ва кўникмаларини ошириш бўйича қисқа муددатли (заруратга кўра онлайн)  
ўқитиш ишларни ташкил этиш;

тиббиёт муассасаларини “Тиббиёт” ахборот тизими орқали ишлаши  
учун пароль ва логин ажратилиши бўйича ишларни якунлаш мақсадида зарур  
чоралар кўрилсин.

3. Ушбу топшириқ ижро назоратини ўз зиммада қолдираман.

**Вазирнинг  
биринчи  
ўринбосари**



**А.Иноятов**



230105, Nukus shaxri, I.Karimov k., 152-uy  
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,  
e-mail: [info.mz.rk@ssv.uz](mailto:info.mz.rk@ssv.uz)

230105, Nokis qalasi, I.Karimov k., 152-jay  
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,  
e-mail: [info.mz.rk@ssv.uz](mailto:info.mz.rk@ssv.uz)

2022 yil "10" 01  
№ 03/13

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлигига

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сизнинг, 28.12.2022 кунги №10-41411-сонли хатингизга жавобан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги меҳнатга лаёқатсизлик варақасини берувчи муассасаларда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ҳамда ахборот тизимига тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида киритилиши бўйича тиббиёт муассасаларининг меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини расмийлаштиришга масъул шахслари масъулиятини ошириш мақсадида шифокорлар ҳамда ИТ-ҳамширалар жавобгарлиги бўйича ички буйруқлар қабул қилинганлигини ва барча муассасаларда меҳнатга лаёқатсизлик варақасиларини тизимга киритишга компьютер ва интернет билан таъминланганлигини маълум қиламиз.

Белгиланган масъул ходимларнинг рўйхати (Ф.И.Ш., лавозими, ва телефон рақами) ва ички буйруғи иловада юборилмоқда.

Илова: \_\_варақда

Вазир ўринбосари

Т.К.Сарбаев